

- А) Газ балони техник синовдан ўтганлиги хақида ДАЛОЛАТНОМА  
Б) Хайдовчи газ балонли автомобилни бошқаришга ўқиганлиги хақида гувоҳнома  
В) Автомашинани техник паспортида ДАН органлари томонидан газ мосламаси ўрнатилганлиги тўғрисидаги белги.  
Г) Автомашинани техник паспортида техник кўрикдан ўтганлиги хақида белги.  
Д) Ўул варақаси.

3.3. «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» ва «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» сиқилган газни, газ сиғимини ўртача кунлик меъёри даражасида бир маромда олиш ва бериш мажбуриятини олади. «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» сиқилган газни олиши бўйича барча ўзгаришлар тўғрисида «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» ни чорак бошланмасдан 15-кун муддат олдин ёзма равишда хабар қилади. «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» ишлаб чиқариш жараёнида АГТКШ ни жорий таъмир учун тўхтатган вақтда «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» ни 3-кун олдин, капитал таъмир учун тўхтатишдан олдин иш бошланмасдан 15-кун олдин огоҳлантиради.

3.4. «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- А) Автомашинани газбаллонли ускунасини ишлашини созлагини, ўлчов-назорат асбоблари ва ёпқич арматурасини текшириш.  
Б) «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» газ тўлдириш шахобчаси регламенти қоидаларига бўйсунмаган ва шартнома шартларини бузган тақдирда сиқилган газ тўлдиришни тўхтатиш.  
В) «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» томонидан сиқилган газ учун тўловларни ўз вақтида амалга оширмаган ҳолда «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» қарздорлик вужудга келган тақдирда «**ИСТЕЪМОЛЧИ**»га тегишли бўлган автомобилни қарздорликка қаратиш ва хатлаш

#### 4. ГАЗНИ ХИСОБГА ОЛИШ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

4.1. «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» га бериладиган сиқилган табиий газ миқдори «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» нинг ўлчов асбобларида, (АГТКШ) орқали «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» га бериладиган газ миқдори жадвали билан келишилган ҳолда «Узбекнефтгаз» МХК томонидан 28.11.95 йили тасдиқланган «(АГТКШ) дан берилаётган газ миқдорини ўлчаш, ҳисоб-китоб қилиш РД Уз 51-034-94 услубига» асосан ҳамда Давлатстандарт қўмитаси томонидан тасдиқланган ( 13.01.96 йилдаги рнҒ.№418) ва 12.04.96 йили «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» лар билан (АГТКШ) орқали берилган газ учун ҳисоб-китоб қилиш қўлланмасига асосан аниқланади.

#### 5. ТОМОНЛАРНИ МУЛКҲЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Сиқилган табиий газни меъёридан ортиқ олинганда қўшимча шартнома тузилади.

5.2. «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» ва «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» қуйидаги ҳолларда бериладиган газ миқдорини камайтириши мумкин ва бунинг учун жавобгар бўлмайди:

А) АГТКШга табиий газни етказиб берувчилар технологик жараёнида юзага келадиган авария ҳолатида, магистрал газ қувирларида, шаҳар газ, электр тармоқларида олдиндан ҳисобга олиб бўлмайдиган мажбуриятлар пайдо бўлганда.

Б) Ёнғин, ер қимирлаш ва табиий офатлар бўлганда.

В) Магистрал газ қувирларида навбатдаги капитал таъмирлаш ишлари олиб борилганда, шаҳар газ, электр тармоқларида синов ишлари олиб борилганда ҳамда сварка ишлари олиб борилганда.

5.3. «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» сиқилган газ учун тўловларни ўз вақтида амалга оширмаганлиги оқибатида «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**»га етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

5.4. «**ИСТЕЪМОЛЧИ**» томонидан шартномада кўрсатилган тўловларни ўз вақтида тўламаган тақдирда «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**»га муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бироқ шартномада кўрсатилган тўловнинг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

5.5. Томонлар ушбу шартнома шартларига риоя қилмаганда ёки тўлиқ бажармаслиги оқибатида келиб чиқадиган келишмовчиликлар ўзаро келишув ёки суд тартибида ҳал қилинади.